ЗАМОНАВИЙ МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ

А.А.Запаров

В статье анализируется содержание и основные задачи современного трудового обучения.

The plot of article is about the main target of modern training of labour.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг меҳнат тарбияси ва уларни касб-ҳунарга йўллаш масалалари ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бунда ривожланаётган бола организми, унинг ёш хусусиятлари, билим даражаси, жисмоний фаолиятнинг у ёки бу турига қизиқиши ҳамда мойиллигини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатлар таълим-тарбия бериш борасида ўз олдига қўйилган энг муҳим вазифалар билан бир қаторда ўқувчиларни касбий характерга эга бўлган тўлақонли умумий меҳнатга тайёрлашни, уларни саноат ва қишлоқ хўжалигининг тармоқлари билан таништиришни, меҳнат қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда касб-ҳунар танлашга йўллашни асосий мақсад қилиб қўяди. Бу ишга ўқитувчилар, мактаб раҳбарлари, жамоатчилик, ота-оналар, мактаб психологи, вилоят, туман, шаҳар касб-ҳунарга йўллаш ташхис марказларининг ходимлари, врачлар, жамоат ташкилотларининг вакиллари ва бошқа мутахассислар жалб қилинади.

Ўқувчиларнинг онгли равишда касб-ҳунар танлаши, келажакдаги ҳаёт йўлини белгилаши, асосан, юқори синфларда, ўсмирликнинг илк даврларида амалга оширилади, лекин қизиқиш ва интилиш бошланғич синфлардаёқ шакллана бошлайди.

Меҳнат таълими машғулотлари ўқувчилар меҳнат қобилиятларини ва билимларини шакллантириш жараёнига ижодий ёндашишни, ўқувчиларни кўпроқ фойдали маҳсулот ишлаб чиқарадиган амалий ишларга ўргатишни, келажакда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ишларига тайёрлашни назарда тутади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бугунги кунда кўлами тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг иқтисодиётимизга салбий таъсирларининг олдини олиш ва юмшатишга имконият яратади [1; 24-25].

Синфдан ташқари тўгарак ишларида ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида буюмлар тайёрлашни биргаликда мустақил бажаришлари, дидактик ўйинлар ўқувчиларнинг маънавиятини шакллантиришга оид турли тадбирлар билан узвий қўшиб олиб борилиши зарур.

Бизнинг назаримизда, умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларда амалга ошириладиган меҳнат тарбиясидан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда жамоа билан ишлаш, меҳнат қилиш, меҳнатнинг қадрига етиш ва ўзаро ишончни тарбиялаш, меҳнаткаш инсонларга нисбатан ҳурмат туйғусини сингдиришдан иборатдир.

Меҳнат таълими машғулотлари самарадорлигини ошириш йўлларидан яна бири моддий ёрдамга муҳтож ўқувчиларга миллий халқ ҳунармандчилигига оид билимлар бериш билан бирга уларга ҳалқ истеъмоли буюмларини мустақил тайёрлашни ўргатишдир. Бу борада биз тажриба олиб борган Андижон шаҳар № 5 ва № 36-умумтаълим мактаблари меҳнат таълими ўқитувчилари машғулотлар жараёнида таълим беришнинг турли усулларидан фойдаланиб, моддий ёрдамга муҳтож ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Бу мактаб ўқитувчиларининг машғулот режаларида ўқувчиларни меҳнатга ва касб-ҳунарга қизиқтириш, меҳнатдаги гўзалликни тасаввур қилишга, касб-ҳунарга онгли муносабатда бўлишга ўргатиш, энг оддий меҳнат ҳам инсондан билим ва юксак малака талаб қилишига ишонтириш каби муҳим таълим-тарбиявий вазифалар назарда тутилган. Машғулотлар меҳнат таълими ўқув устахоналарида, кўргазмали қуроллар ёрдамида олиб борилади ва ўқувчиларнинг янада кўпроқ амалий кўникмалар ҳосил қилишлари учун кенг имкониятлар юзага келади.

Синфхоналарда, мактаб ҳовлисида, спорт майдончасида, ошхонада тозаликни сақлаш, устки кийимларини тоза тутиш, ўқув қуролларини асраб-авайлаш, жонли бурчакда боқилаётган жониворларни ва гулларни парвариш қилиш каби ишлар орқали ўқувчиларда меҳнат кўникма ва малакаларини ошириш билан бирга катталар меҳнатини қадрлашга ўргатилади.

Ўқувчиларда миллий халқ ҳунармандчилиги воситасида меҳнатга меҳр туйғусини тарбиялашда маълум педагогик шартларга асосланиш талаб этилади. Жумладан, ўқувчида меҳнат қилишга эҳтиёжни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш лозим, чунки ўқувчининг меҳнатга бўлган эҳтиёжи касб-ҳунарга қизиқишига асос бўлади.

Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси уларнинг меҳнатга амалий ва назарий жиҳатдан тайёргарлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг синф раҳбари билан биргаликда синф мажлислари, тарбиявий соатлар ўтказиши, ўқувчиларнинг касб-ҳунар танлашлари бўйича маслаҳатлар

уюштириши, меҳнат фахрийлари иштирокида учрашув ва кечалар ўтказиши, ўқувчиларда ташаббускорлик уйғотиши муҳим аҳамиятга эга.

Меҳнат таълим-тарбияси жараёнида ўқувчиларда тежамкорлик ҳисси, иш жойини тоза, озода, тартибли сақлаш одати шаклланади, амалий кўникмалар ўзлаштирилади. Шунингдек, мактабларда меҳнат ва касб-ҳунар танлаш бўйича ўқитувчиларнинг ўқувчилар, шунингдек, уларнинг ота-оналари билан ҳам иш олиб боришлари жуда муҳимдир. Ота-оналар билан ишлаш бу масалани онгли ҳал қилиш, уларни ўз фарзандлари онгига таъсир кўрсатишга йўналтириш мақсадларини кўзлаши керак. Қуйи синфлардаёқ дарсдан ташқари тарбиявий соатларда у ёки бу касб-ҳунар ҳақида маълумот беришни тажриба қилиб кўриш, буни кундалик ҳаётдан, ўқувчиларга таниш бўлган касб усталарининг илғор иш тажрибасидан олинган аниқ мисоллар орқали тушунтириш айни муддаодир.

Бошланғич синфларда бу иш, асосан, бир ўқитувчи зиммасига тушса, юқори синфларда унга барча фан ўқитувчиларини жалб қилиб, дарс жараёнида ҳар бир ўқувчидаги бирон бир касбга мойиллик, қобилият ва алоҳида хоҳишни фарқлаб олиш, шунга кўра турли тўгаракларга жалб қилиш, якка тартибда вазифа ва топшириқлар беришни йўлга қўйиш мумкин.

Бизнингча, умумтаълим мактабларнинг меҳнат таълими ўқитувчилари дарс ва дарсдан ташқари ишларда қуйидагиларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқ:

1. Меҳнат қилиш ва касб-ҳунар танлашнинг жамиятдаги аҳамиятини ўқувчиларга тарғибот қилиш ва тушунтириш, касбларнинг ўзига хос томонлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, ўқувчиларда меҳнат кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

2. Ўқувчиларни мактаб мулкини эҳтиётлашга, мамлакатимиз табиий бойликлари, табиати ва ҳайвонот дунёсига нисбатан онгли муносабатда бўлишга ўргатиш.

3. Ўқувчиларда жамоа бўлиб меҳнат қилиш маданиятини шакллантириш.

4. Меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга меҳнат тарбияси билан бирга маънавий-эстетик ва жисмоний тарбия бериш.

5. Ўқувчиларнинг меҳнат кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларни меҳнат фаолияти, техника тўғрисидаги билимларини кенгайтириш, меҳнатсеварлик ва меҳнаткаш инсонларга ҳурмат руҳида тарбиялаш.

6. Ижтимоий меҳнат топшириқларини бажаришга нисбатан маъсулиятсизлик кўринишларига муросасизлик ҳиссини тарбиялаш.

7. Берилган топшириқларни ўз вақтида сифатли бажара олиш, меҳнат қилиш маданиятини эгаллаш, ўз ишини режалаштириш ҳамда ташкил қила билишга ўргатиш.

Ўқувчиларда меҳнатга бўлган қизиқиш ва эҳтиёж анча барвақт пайдо бўлади. Биринчи синфга келган болаларда муайян меҳнат кўникмалари бўлади ва бу кўникмалар махсус мактаблардаги таълим тарбия таъсирида янада мустаҳкамланиб боради. Ўқувчиларда умуммеҳнат маданияти, тайёрлаётган маҳсулот сифати учун масъулият ҳисси, берилган вақтдан самарали фойдаланиш, устахонадаги асбобларни эҳтиёткорлик билан ишлатиш ва тежамкорлик малакалари аста-секинлик билан таркиб топа бошлайди. Ўқувчиларни ҳар бир ишни маъсулият билан бажаришга одатлантириб бориш зарур. Фақат жисмоний меҳнат эмас, балки ақлий ўйинлар ва тадбирларга ҳам болаларни қизиқтириш, бунда ўқувчилар маъсулиятни ҳис эта олишлари муҳим аҳамиятга эга.

Хулоса қилиб айтганда, меҳнат таълимининг биз тавсия қилаётган замонавий модели ўқувчилар фаолиятини мақсадли йўналтиришга, миллий ҳунармандчилик ва техник ижодкорликни устоз-шогирд анъаналари асосида ривожлантиришга, касбий кўникма ва малакаларни самарали шакллантириш орқали рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга имкон яратади.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Жахон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари.- Т.: Ўзбекистон, 2009
2. Меҳнат таълими фанидан янги таҳрирдаги Давлат таълим стандарти./ Маърифат.- 2006.- 1 сентябрь
3. Рамизов Ж.Р. Умумтехника предметларини ўқитиш ва меҳнат таълими методикаси.-Т.:Ўқитиувчи, 1992
4. Меҳнат таълими методикаси /Д.А.Тхоржевский таҳрири остида.-Т.: Ўқитувчи, 1997
5. Давлатов К. ва бошқ. Меҳнат ва касб таълими назарияси ва методикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.

Андижон давлат университети,
2009 йил 23 июнда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. С.З.Зайнобидинов)